



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 217 (12.028) Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам «Қурбон ҳайити»ни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониға мувофиқ:

1. 2011 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тadbирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 31 октябрь.



Дзюдо АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Россиянинг Тюмень шаҳрида дзюдо бўйича мутлақ вазн тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Пекин Олимпиадаси совриндори Абдулла Тангриев 27 нафар энг кучли полвонлар иштирокида ўтказилган эркаклар ўртасидаги беллашувларда украиналик Кирилл Белецкийни, франциялик Матье Торелни, япониялик Хироки Тачиямани, ярим финалда Жанубий Корея вакили Ким Сунг Минни мағлубиятга учратди. Хал қилувчи баҳсда эса дзюдо бўйича Европа чемпионати совриндори венгриялик Барна Бор устидан соф галаба қозониб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳар ҳокимлигида САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2011 йилнинг тўққиз ойида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, шаҳар ҳокими ўринбосарлари, бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари, банк раҳбарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, тегишли корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа мутасадди раҳбарлар иштирок этган йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Таҳлил натижаларига кўра, 2011 йилнинг тўққиз ойи яқунлари шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрида замонавий ва рақобатбардор иқтисодий шакллантиришга қаратилган таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, шу соҳа тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ҳар томонлама қўллаб-

**ҚИСҚА
САТРАРДА**
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Касаба уюмлари Федерацияси Кенгаши томонидан Миллий матбуот марказида «Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон саноатчиларининг мазкур форуми Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилди. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа иқтисодиёт реал сектори корхоналарига зарур хомашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш, ички тармоқ ва тармоқларaro кооперация асосида узоқ муддатли ҳўжалик муносабатларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун бозор инфратузилмасини ташкил этишга кўмаклашди.



ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

Ярмарка ва биржада мамлакатимиз саноати етакчи тармоқларининг улкан салоҳияти ва имкониятлари, ишлаб чиқариш янгиликлари ва маҳсулотлар намойиш этилди. Ўзбекистон саноатининг етакчи тармоқлари, корхоналар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариши секторлари бўйича тақдим этди. Минерал-хомашё ресурсларини геологик қидириш, қайта ишлаш, илмталаб технологиялар, автомобилсозлик, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, электр техника, кимё, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари, матбаа, транспорт ва транспорт машинасозлиги соҳалари кенг миқёсда намойиш қилинди.

Ўтган корхона ва тармоқларнинг тақдимот маросимларида уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари намойиш этилди. Ҳар бир вилоят тақдимоти иштирокчиларга ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги мавжуд муносабатларни кенгайтириш ҳамда янгиликларини ўрнатиш имконини берди. Ишлаб чиқариш — техник йўналишдаги тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва усуналарни етказиб бериш ёки сотиб олиш бўйича шартномалар тузилди. Айни пайтда, мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари буюмлар, қайта ишланган хомашё ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олиш имконига эга бўлди.

Саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа икки босқичда ташкил этилди: биринчи босқичда ҳудудий ва тармоқлар кўргазма ҳамда ярмаркалари бўлиб ўтган бўлса, иккинчи босқичда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ўтказилди. Амалиёт уларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. 2010 йилда 715 ҳўжалик субъекти қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони 1030дан ошди. Ўтган йили тузилган шартномалар ҳажми 2,6 триллион сўмни ташкил қилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу гагги ярмарка ва биржа якуни бўйича умумий қиймати 3,5 триллион сўмдан зиёд шартномалар имзоланган.

Шу билан бирга, хорижий валютада ҳам шартномалар тузилди. Негаки, ярмарка ва биржада хорижий фирма ҳамда компаниялар вакиллари фаол иштирок этиб, мамлакатимизда тайёрланган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш

бўйича тегишли шартномалар тузилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларидан ортиқ шартномалар тузилган. Ярмарка ва биржани 70 минг нафардан зиёд киши келиб кўрди. Форумлар доирасида бўлиб ўтган 62 тақдимот маросимида 5,2 минг нафардан ортиқ киши қатнашди.

Барча тadbирлар мамлакатимиз вазирилик ва идоралари, банклари, сўғурта компаниялари ҳамда стандартлаштириш ва сертифицилашга иктиссослашган ташкилотларининг мутахассислари иштирокида ўтди ва улар ўзларининг зарур маслаҳатларини берди.

2011 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа яқунлари, шунингдек, ҳудудий ва тармоқлар кўргазмалари натижалари мамлакатимиз корхоналари саноат кооперациясининг мазмун-моҳияти ортиб бораётгани, саноатнинг етакчи тармоқлари ва кичик бизнес вакилларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ўз маҳсулотларини етказиб бериш, техник эҳтиёжларни ўрганиш, бозорда харидорнинг янги товар ва буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасидаги мавжуд имкониятларни кенгайтираётганидан далолат беради. Хорижий шериклар билан инвестицион-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ҳам янги истиқболлар очилмоқда. Шубҳасиз, бундай кўптомламла ўзаро манфаатли ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

қувватлаш чора-тadbирларининг изчил амалга оширилиши натижасида шаҳар иқтисодиётида барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, ялли ҳудудий маҳсулот 14,1 фоизга ошган.

Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,4 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 13,6 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми 32,7 фоизга, чакана савдо айланмаси 11,5 фоизга, жами хизматлар ҳажми 20,8 фоизга, экспорт ҳажми эса 3,4 фоизга ўсиши таъминланди.

Тошкент шаҳрини 2011 йилнинг тўққиз ойидаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилнинг прогноз параметрларига сўзсиз эришиш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисидаги масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Фазлитдин Зияев, 2011-2015 йилларда саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш, иқтисодиётдаги ислохотларни чуқурлаштириш ва қўламларини кенгайтириш бўйича қабул қилинган стратегик дастурларнинг амалга оширилишига оид масалалар бўйича Иқтисодиёт бош бошқармасининг бошлиғи Саидали Насретдинов мазрузалари тингланди.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Сурхондарё вилояти Денов тумани тиббиёт бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан «Сурхондарё вилоятининг Денов, Сарисий, Узун туманларида йод танқислигини профилактика қилиш ва эрта аниқлаш ҳамда аёллар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини яхшилашда қишлоқ врачлик пунктлари ролинини ошириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- Навоий вилоятининг Кармана туманида ташкил этилган корхоналарда пишиқ гишт, гипсакартон, плита, оҳак, темир-бетон буюмлари ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу туманда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойларни, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари биноларини арзон ва сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш имконини бермоқда. «Кармана Дилнур» масъулияти чекланган жамиятида ўнга яқин шаклдаги плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотига талаб ошиб бориши натижасида бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда. 2009 йили корхонада 6 минг квадрат метр бетонли йўлак плитаси ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 12 минг квадрат метрни ташкил этди.
- Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида тоғ-металлургия саноатининг суяқ технология қичқиндиларини тозалаш учун мўлжалланган филтёрлаш қурилмаси ишлаб чиқилди. Ушбу технология оғир металллар, радиоактив эритмалар сингари саноат қичқиндиларини зарарсизлантириш ва улардан фойда олиш имконини беради. Бундан ташқари, у кам энергия сарф қилиши билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Мазкур қурилма Олмалик тоғ-металлургия комбинатига қарашли завод цехида муваффақиятли синовдан ўтди. Эндиликда ундан саноатда кенг фойдаланиш режалаштирилмоқда.
- Асака туманидаги «Шарқ инвест бизнес» масъулияти чекланган жамиятида банкнинг 50 миллион сўмлик молиявий кўмаги эвазига қўлқоп тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозир 15 киши меҳнат қилаётган корхонада йилга бир миллион донагача импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

ЖАҲОНДА

- АҚШда фавқуллода ёққан кўп миқдордаги қор турли кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқарди. Хусусан, табиатнинг қутилмаган бу инжиқлиги ўз кишини ҳаётдан олиб кетди. Икки миллиондан ортиқ одам электр энергиясиз қолди. Мамлакат шарқидаги бир нечта аэропорт фаолияти вақтинча тўхтади. Шунингдек, Нью-Йорк ва бошқа йирик шаҳарларда поездлар қатнови издан чиқди. Синоптиклар АҚШда октябрь ойи охирида қор ёғиши ноодатий ҳодиса эканлигини билдиришган.
- Машиий техника воситалари ишлаб чиқарувчи «Whirlpool» (АҚШ) компанияси иш ўринлари сонини беш мингтага қисқартиришини маълум қилди. Корхона маъмурияти бундай қарорга қелишининг сабаби маҳсулотларга талабнинг муттасил пасайиб, хом ашё нархининг эса тобора кўтарилиб бораётгани билан боғлиқ. «Whirlpool» мазкур тadbир орқали 2013 йил охиригача 400 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағни тежаб қилишни режалаштирган. «Whirlpool» музлаткич, кир ва идиш-товуқ ювиш машиналари ишлаб чиқаради. Унинг умумий ходимлари сони 71 минг кишини ташкил этади. Шундан 50 минг нафари компаниянинг Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги бўлимларида фаолият олиб боради.
- Испанияда ишсизлик даражаси сўнгги ўн беш йил давомидаги энг юқори кўрсаткичга етди. «AFP» ахборот агентлигининг хабарига кўра, жорий йилнинг учинчи чораги яқунлари бўйича мамлакатда бу борадаги аҳвол 21,52 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозир Испанияда қарий беш миллион киши иш жойига муҳтож. Ҳукумат вазиятни бир оз бўлса-да, юмшатиш мақсадида йил охирига қадар ишсизлик даражасини 19,8 фоизга туширишни режалаштирган. Аммо айрим экспертлар бунинг уйдасидан қиқиш осон кечмаслигини таъкидлашмоқда. Ишсизлик кўрсаткичи қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва қурилишда бошқа соҳаларга нисбатан юқориорқ.
- Таиландда рўй бераётган сув тошқинлари оқибатида ҳаётдан қўз юмганлар сони қарий 400 кишига етди. Табиий офатдан мамлакатнинг 26 провинциясидаги 144 та аҳоли пункти жиддий зарар кўрган. Ахборот агентликларининг хабар беришича, сўнгги беш кун давомида пойтахт Бангкокни бир миллионга яқин киши ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Мазкур шаҳарнинг, асосан, шимолий ва шарқий қисми сув остида қолган. Таиланд бош вазири қиролик аҳолисини саросимага тушмасликка чақириб, тез орада аҳвол ижобий томонга ўзгаришини билдирди. Мамлакат тарихида охириги 50 йил ичидида энг йирик офат, дея таърифланаётган сув тошқинларидан айни пайтга қадар 2,5 миллион киши жабр кўрган.

Болалар спорти — Соғлом турмуш тарзи



БОЛАЖОНЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

Келажагимиз ворисларини ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш мамлакатимизда давлат сийосати даражасига кўтарилган. Президентимиз ташаббуси билан уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақаларига асос солинганлиги ҳам юқоридаги фикримиз далилидир.

«Оқтепа» нафақат Шайхонтоҳур туманининг, балки шаҳримизнинг узоқ ўтишга эга ҳудудларидан бири саналади. Бу ердан кўплаб таниқли инсонлар етишиб чиққан. Даҳанин «Чўпон ота» маҳалласи ҳудудидидаги рус, немис, инглиз тилларига иқтисослашган 180-мактабда 1000 нафарга яқин ўқувчи, 157-умумтаълим мактабиде эса 800 га яқин болалар таҳсил олади.

Жорий йил февралда футбол бўйича мамлакат биринчилиги биринчи лигаси иштирокчиси Тошкентнинг «Оқтепа» клуби мусабдилари хайрли ишга қўл уришганди. Яъни Шайхонтоҳур туманидаги «Оқтепа» маҳалласи ҳудудидида барча қўлайликларга эга янги спорт мажмуаси — замонавий футбол стадиони қурилиши бошлаб юборилганди.

Дарвоқе, ўзбек спортига қўллаб таниқли спортчиларни етказиб берган Республика Олимпия заҳиралари коллежи ҳам «Оқтепа» маҳалласига яқин жойда жойлашган. Шу тўғрисида ҳам маҳалланинг спортни жон-дилидан севган ёшлари ўзлари хоҳлаган спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эгалар. Футбол ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Шунинг ҳисобига «Оқтепа» клуби мутасаддилари айнан оқтепалик Республика олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчиларини жамоага тақдим этишди.

«Оқтепа» клуби қошида ташкил этилган футбол мактабининг олти гуруҳида айни кунларда 200 нафардан зиёд болажонлар миллионлар йўлини сир-асорларини ўрганиб келишмоқда. Барча гуруҳлар Тошкент шаҳар болалар лигасида иштирок этади. Клуб раҳбарияти эса жамоа аъзолари учун мини-футболга иқтисослашган иккита сунъий ҳопламали майдон қуриб берган. Ушбу иншоотларда ечинини, ювениш хоналари мавжуд, ёриткичлар ўрнатилган.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 19 январидида қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида шахримизда хайрли ишлар амалга оширилмоқда.



«Оқтепа» жамоаси мамлакат биринчилигида иштирок эта бошлаганида клуб стадиони атрофи кўрimsиз биналар билан ўралган, майдон ўлчами бугунги кун талабига жавоб бера олмасди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Оқтепа» спорт мажмуасини қуриш тўғрисидаги қарорига қўра, бу ерда ишлар февраль ойиданоқ бошлаб юборилди. «Ҳашар, элга ярашар», деганларидек, «Чўпон ота» маҳалласининг бир неча савҳатчиша кишилари баҳоли қудрат мажмуа қурилишига иқтисодий кўмак беришди. Эндиликда режага қўра қурилган янги стадион барча қўлайликларга эга. «Оқтепа» спорт мажмуида 105х70м ўлчамли сунъий ҳопламали футбол майдони, 5,5 минг кишилик ўриндиқлар, 50 кишига мўлжалланган меҳмонхона, сауна, сув ҳавзаси, тренажёр зали, опшона қурилиб, аллақачон болалар ихтиёрига топширилди. Клуб мутасаддилари ке-

лажақда футбол академиясини очишни ният қилишган. Ушбу академияга истиқболли порлок, иқтидорли ёшларни жалб этиш мақсадида клуб раҳбарлари 180-мактабда хорик тилларини ёшларга пухта ўргатишни ҳам мўлжаллашмоқда.

Миллий футболимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ёш футболчиларни тарбиялаш, «Оқтепа» ва республикамизнинг номдор «Пахтакор», «Бунёдкор» футбол клублари ҳамда мамлакат терма жамоаларига ишончли заҳирани шакллантириш оқтепалик спорт жонқуярларининг олий мақсадида айланган.

Шерзод ЗИЯМАТОВ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали Шайхонтоҳур тумани бош мутахассиси



Интилганга толе ёр, деганлари рост экан. Буни эндигина ўн уч баҳорни қаршилаган лавҳамиз қаҳрамони Фахриддин Ҳалимовнинг шу кунгача эришган муваффақиятлари исботлаб турибди.

Ёш чемпионлар ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

аъзоларим билан маслаҳатлашган ҳолда ўғлимни 10-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабининг акробатика тўғрагига бердик. Аввало, ўзим тадбиркор бўлсамда спортга жуда қизиқаман, ханузгача спортчи бўла олмаганимдан афсусланаман. Чунки спорт билан мунтазам шуғулланган бола энг аввало кучли, иродали ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етади. Ҳеч қачон касал бўлмайди.

Ушбу кўвончли воқеа мени жуда хушнуд этади, — дейди Фахриддиннинг онаси Махбуба опа, — чунки ўғлимнинг машаққатли меҳнати зое кетмади, ниҳоят у ўзбекистон чемпиони бўлди. Насиб этса киник ўғлим Абду-боситнинг ҳам спорт билан шуғулланишига имкон яратамиз. Ҳозир у 6 ёшда, туманимиздаги 248-мактабгача таълим муассасасида тарбияланмоқда.

Баъзан спорт билан шуғуллувчи болаларнинг мактабда яхши ўқимаслиги ва билими саёз бўлиши ҳақидаги гапларни эшитиб қоламиз. Буларнинг барчаси Бекор гап. Чунки айни пайтда Олмазор туманидаги 1-ўрта мактабининг 7-синфида ўқийётган мақолаимиз қаҳрамони барча фанларни яхши ўқитади.

Яқинда Бельгияда акробатика бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир уюштирилди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган 10 нафар спортчилар орасида Фахриддин Ҳалимов ва Шарофиддин Махмудовлар биринчи ўринни кўлга киритишди. Бу икки ёш спортчи галабаси шарафига Бельгияда ўзбекистон мадҳияси янгради, байроғимиз кўтарилди.

Спорт билан шуғулланган ҳар бир ўсмир соғлом, бақувват ўсади, касалликларга қарши кучли иммунитетга эга бўлади, — дейди мураббий Анвар Нуриддинов. — Аммо шўҳрат чўққиларига эришиш Фахриддинга ёки Шарофиддинга ўхшаб устозларининг ўғитларига амал қиладиган, ўз устида тинимсиз изланадиган, қўшимча машғулотларни оғирнай бажарадиган спортчиларгагина насиб этади. Икки қарра ўзбекистон чемпиони бўлган Фахриддиндан умидимиз катта. Олдинда спорт усталигига номзод ҳисобланган шогирдини яна жиддий синовлар кутмоқда.

Биз ҳам лавҳамиз қаҳрамонига ўқиб ва спортдаги фаолиятида янада улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ақбар ЙЎЛДШОВ СУРАТДА: акробатика бўйича икки қарра ўзбекистон чемпиони, халқаро турнир ғолиби Фахриддин Ҳалимов Козим Улмасов олган сурат

1998 йилнинг 14 апрелида Олмазор туманидаги «Кўксус» маҳалласида Камолдин ака оиласида дунёга келган Фахриддин бугунги кунда ўз тенгқурлари орасида акробатика бўйича икки қарра ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби.

Беш ёшдан Олмазор туманидаги 10-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабининг акробатика тўғрагига қатъий бошлаган Фахриддиннинг эчилиги, чаққонлиги ҳамда эҳси ўткирлиги мураббий Анвар Нуриддинов эътиборини ўзига тортади. У шогирдининг ўзгалардан фарқ қиладиган алоҳида салоҳиятини тезда пайқайди ва Фахриддин билан жиддий тарзда машғулотлар олиб боради. Мураббийнинг кўрсатмаларига амал қилган Фахриддин 2003 йилда Тошкент шаҳар биринчилигида қатнашиб фахрли биринчи ўринни кўлга киритди.

— Ўғлим ёшлигиданоқ ҳар нарсага қизиқувчан, шўх эди, — дейди бу ҳақда Камолдин Ҳалимов, — шу боис ҳам унинг спорт билан шуғулланишига имкон яратдик. Оила

Мулоҳаза САЛОМАТЛИК ВА ҒЎЗАЛЛИК БАХШ ЭТАДИ

Давлатимиз раҳбарининг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Зеро, Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, ҳеч бир нарса мамлакатни спортчилек тез дунёга машур қила олмайди.

Тариха назар ташлайдиган бўлсак ҳам, дунё таъдидунида ўчмас эз колдирган номдик жинс вакиллари бўлиш, жасоратли Тумарис, қаҳрамонлик тимсоли Жанна Д'арку Барчинолар нафақат ҳусни ёки аёллик фазилатлари билан, балки тирин ақлидроки ва мардонавор харақатлари, ўлмас жасорати ила бугунга қадавр ўз ўринларини йўқотмасдан келаётирлар. Қадимги файласуфлар миллатнинг маданият даражасини унинг аёлга бўлган муносабатига қараб баҳолашган.

Мажмуамизга келиб, спортга ошно тутинаётганларнинг аксарият қисмини аёллар ташкил этади, — дейди ЖАР спорт соғломлаштириш комплекси бошлиғи ўринбосари Абдурашид Фаҳруров. — Уларнинг қўчилиги халқаро мусобақаларда ҳам юқори натижаларга эришиб келмоқдалар. Хусусан, кўл жанги ва каратэ бўйича аёллар ўртасида Республика чемпионатларида қатнашган ва халқаро турнирларда фаол иштирок этиб келаётган Сўғдиёна Халилова, Фаридида Шавкатова, Юлдуз Ҳаққуллова, Унйой Тешабоева, Марина Сеҳачова каби спортчи қизларимиз бизнинг ҳам фахримиздир.

Аёллар спорти ҳақида гап кетганда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ва бу даргоҳда таълим олаётган спортчи қизлар хусусида икки оғиз сўз айтмасак, бўлмас. Йўлингиз тушган бўлса, институтга кириверишда кўси медаллар шодаси билан тўлган спортчиларнинг суратлари кўйилган. Уларнинг аксарияти аёллар экани, қувонарли. Айни пайтда институтнинг иккинчи босқич талабаси бўлган Ирода Исмоилова ушбу ўқув дароғи кашф қилган чемпион қизлар сирасига кирди. Ирода каратэ бўйича 2004 йили Европа очик

чемпионатида ёшлар ўртасида 2 та олтин, битта кумуш медални кўлга киритган. 2006 йил Болгарияда бўлиб ўтган жавон чемпионатида 2-ўрин, 2007 йил Санкт-Петербургда ўтказилган жавон кубогини 3-ўринни эгаллаган. Беш қарра Республика чемпиони.

Маълуки, спортчилар билан тинмай шуғулланишининг ўзи ҳам кишилар катта машаққат ва улкан матонатни талаб этади. Мана шундай заҳматли юмушни бир неча йиллардан бунён ўз зиммасига олган профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Клара опа Тошкенбоева ўттиз йилдири, енгил атлетика бўйича институтда қизларга таълим бериб келмоқда. Клара Тошкенбоеванинг спортчи сифатида ягона орузи, ўзбек қизларини физиологик жиҳатдан соғлом қўриш.

Дарҳақиқат, юқоридида таъкидлаганимиздек, юртимизда спортга кўрсатилётган эътибор бугун диёримизнинг чекка қишлоқларида ҳам барпо этилган замонавий спорт иншоотлари ва у ерда камол топаётган ёшларнинг жавон майдонларида юртимиз шайини муносиб ҳимоя қилаётганида яққол намён бўлаётди. Шоирона айтадиган бўлсак, бундан 20 йил аввал заминга қадаглан дархат бугун ўзининг сархил медаларидан баҳраманд эта бошлади.

Аммо шу ўринда яна бир масала борки унга ҳам эътибор қаратмоқ жоиз, назаримизда. Кейинги йилларда дунё мексидида фақат эркакларга хос бўлган бокс, оғир атлетика, қондасиз жанг турларида ҳам аёлларнинг чиқишлари кўплаб учраяттики, ҳар ҳолда бу ўйлаб қўришга арзийдиган ҳолат.

— Оғир спорт турлари хотин-қизлар учун ҳам эстетик томонлама, ҳам соғлиқ учун жуда хавфли, — дейди ультратовуш ташхис шифокори, олий тоифали гинеколог Зулхумор Набиева. — Айниқса, тўғруқ ёшдаги аёлларнинг оғир спорт билан шуғулланиши жинсий органлар ва кичик чанок соҳасининг қисқаришига олиб келади. Аёллар учун энг яхши спорт тури назаримизда, енгил атлетика ва гимнастика. Бу спорт тури қоматни ғўзал бўлиши билан бир қаторда соғлиқни мустаҳкамлайди.

Маймура ЁҚУБОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Мусобақалар МАЙДОНДА БЎЛҒУСИ ФУТБОЛЧИЛАР

Миллионлар йўлини бўлмиш футболнинг келажагимиз ворислари ўртасида оммалашшига имкон яратиш, фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишларини таъминлаш мақсадида шахримиз маҳаллаларида хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги «Камолон» маҳалласида жойлашган «Жавонгир хожи ота» болалар спорт майдончасида футбол бўйича ўтказилган мусобақалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорликларида уюштирилган ушбу мусобақада туман мактабларининг 14-15 ёшли ўқувчиларинан таркиб топган жамоалар ғолиблик учун кураш олиб борди.

Айтиш жоизки, мусобақа шиддатли курашларга бой, қизиқарли ўтди. Яқунда шохсупанинг энг юқори поғонасини «Камолон-1» терма жамоаси эгаллаган бўлса, фахрли 2-3-ўринлар «Камолон-2» ва «Янгиобод» терма жамоаларига насиб этади.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан кубок, совринлар, дипломлар ва қимматбаҳо эсдалик совгалари тўхфа этилди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

«РИО+20» АНЖУМАНИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкентда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Иқтисодий вазирлиги, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги вакили ҳамда БМТДнинг Братиславадаги минтақавий маркази ҳамкорлигида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда 2012 йилда Бразилияда ўтказиладиган «Рио+20» анжуманига тайёргарлик масалалари атрофида муҳокама қилинди.

«Рио+20» анжумани 1992 йил Рио-де-Жанейрода БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро конференциясининг 20 йиллиги ҳамда 2002 йил Йоханнесбургда барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган халқаро саммитнинг 10 йиллигига бағишланади. Унда мавжуд айрим муаммолар ва «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш, барқарор ривожланиш учун институционал тизимни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади.

Мана 20 йилдири, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалалари халқаро ҳам-жамият кун тартибидида турибди. 1992 йил Рио-де-Жанейрода БМТ бошчилигида бошланган жараён жаҳон лидерлари томонидан қўллаб-қувватланиб, узоқ-муҳлатли характерга эга бўлди.

— Ўзбекистонда ҳам атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш масалалари алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборот хизмати бошлиғи Хония Асилбекова. — Бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, мустаҳкам ҳуқуқий ҳамда институционал база ташкил этилди, иқтисодиёт соҳаларини модернизация қилиш, энергия истеъмоли тежамкорлигини ошириш, экологик тоза технологияларни жорий этиш, умумжаҳон тан олган стандартларга ўтиш ва бошқа ишлар кенг кўламли амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатида «Рио+20» анжуманида иштирок этиш бўйича келгусидаги ишлар, республикада «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Алиёр ОРИПОВ, «Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Яқкасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСХ-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Ракатбоши 1-тор кўчасида жойлашган Д. Бекмухамедова тегишли бошланғич нархи 500 427 900 сўм бўлган, умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м дан иборат бўлган икки қаватли 15-ўй-жой (ҳовли) биноси кўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 2 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқоридида кўрсатилган кўчмас мулклар 2011 йилнинг 2 декабрь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 23 декабрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлганлик микдорда закат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ нинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бево-сита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда яъни 2011 йил 30 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039.

ТУЗАТИШ:

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ шунини маълум қиладики, «Тошкент оқшоми» газетасининг 2011 йил 18 октябрдаги 208 (12.019)-сониди ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2011 йил 19 октябрдаги 83 (12.407)-сониди эълон қилинган очик аукцион савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг «2011 йилнинг 11 ноябрь куни» сўзлари «2011 йилнинг 18 ноябрь куни» деб ўқилсин.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бир-лашмаси Кенгаши ва тармок қасаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшанхон Маҳаммадалиева га акиси

Машраб МАҲАМАДАЛИЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қаршининг «Насаф» жамоаси футбол бўйича Осиё футбол конфедерацияси кубогини қўлга киритди.

Мамлакатимизда барча спорт турлари қаторида футбол ҳам жадал ривожланмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аввало баркамол авлодни воёга етказиш, Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қила оладиган иқтидорли спортчиларни тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу эзгу саз-ҳаракатларнинг юксак самаралари ўзбек футболни ривожда ҳам ўз ифодасини топаётди. Бугун ўзбек спортчилари миллатимизни, халқимизни дунёга танитмоқда, мамлакатимиз салоҳиятини намоян этмоқда.

Истиқлол йилларида футболни ривожлантириш бўйича унга яқин ҳужжат қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳам миллий футболимизни янада ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида футбол инфратузилмаси тобора тақомиллаштирилмоқда, футболга ихтисослашган мактаб-интернатлар, академиялар ва тўғарақлар фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда, шахар ва қишлоқларимиздан қўллаб-қўллаб кўриб кўришмоқда. Футболга ижтисослашган мактаб-интернатлар, академиялар ва тўғарақлар фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда, шахар ва қишлоқларимиздан қўллаб-қўллаб кўриб кўришмоқда. Футболга ижтисослашган мактаб-интернатлар, академиялар ва тўғарақлар фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда, шахар ва қишлоқларимиздан қўллаб-қўллаб кўриб кўришмоқда.

Бундай юксак эътибор самарасида вилоятларда фаолият юритаётган футбол жамоаларимиз ҳам халқаро майдонда

ғалаба қозониш кудратига эга бўлди. Қашқадарё вилояти вакили – «Насаф» жамоасининг «ОФК кубоги – 2011» мусобақасидаги ғалабаси барча ватандошларимизга чексиз гурур ва ифтихор

бонлик қилди. Бош соврин учун ўтказилган ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртларимизга Кувайтнинг «Кувайт СК» жамоаси рўбарў келди. 2009 йили ОФК кубоги соҳиби бўлган мазкур жамоа бу



бағишлади. Қўғамиз футбол клубларининг энг нуфузли икки мусобақасидан бири – ОФК кубогида иккинчи мартаба иштирок этган «Насаф» гуруҳ босқичида олти учрашувнинг барчасида ғалаба қозонган ягона жамоа бўлди ва рақиблар дарвозасига ўттизта тўп киритиб, гуруҳ босқичида кўп гол уриш бўйича янги рекорд ўрнатди. Плей-офф босқичида ҳам ғалабали одимларини давом эттирган қашқадарёлик чарм тўп усталари Таиланднинг «Чонбури», Иорданиянинг «Ал-Файсали» ҳамда «Ал-Вихдат» жамоаларини енгиб, финалга чиқди.

«ОФК кубоги – 2011» мусобақасининг финал учрашувида Қарши шаҳри мез-гал ҳам фақат ғалаба учун майдонга тушди. «Насаф» футболчилари дастлабки дақиқалардан ҳужумга зўр берган бўлса-да, биринчи бўлимда бутун жамоа бўлиб ҳимояланган кувайтликлар дарвозасига йўл топишнинг имкони бўлмади. Уйнинг иккинчи ярмида ҳамюртларимиз ҳужумни янада кучайтирди ва 62-дақиқада ҳисоб очилди. Артур Геворкян рақиб ҳимоячиларини доғда қолдириб, тўпни Илҳом Шомуродовга оширди ва моҳир ҳужумчимиз рақиб дарвозасини ишғол қилди. Орадан икки-уч дақиқа ўтиб, Артур Геворкян энди Андрей Переплёткинга тўпни аниқ оширди

ва латвиялик легионер рақиб дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Кувайтликлар 68-дақиқада ҳисобдаги фарқни биттага қисқартиришга эришди. «Кувайт СК» жамоасининг африкалик легионери Борис Каби гол уришга эришди.

Қолган дақиқаларда ҳар икки жамоа вакиллари ҳам хавфли ҳужумлар уюштирган бўлса-да, ҳисоб ўзгармай қолди. Финалда рақибдан ҳар томонлама устунлигини исботлаб, 2:1 ҳисобида зафар қучган «Насаф» Ўзбекистон футбол клублари ўртасида биринчи бўлиб қўғамиз миқёсидаги халқаро турнирда бош совринни қўлга киритди.

Бу ғалабамизни халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаймиз, – деди «Насаф» футболчиси Лутфулло Туроев. – Биз нуфузли халқаро мусобақада голиб чиқиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаганимиздан бахтиёримиз.

«Насаф» футболчиларига Осиё футбол конфедерацияси кубоги ва олтин медаллар топширилди. ОФКнинг «Fair play» – «Ҳалол ўйин» соврини ҳам «Насаф»га насиб этди. Ҳал қилувчи беллашувда фаол ўйнаган Артур Геворкян финал учрашувининг «Энг яхши футболчиси», турнир давомида рақиблар дарвозасини ўн мартаба ишғол қилган Иван Бошқович «Энг яхши тўпурар» совринлари билан тақдирланди. Шунингдек, «Насаф» жамоаси ОФК кубоги соҳиби сифатида келаси йили Осиё чемпионлар лигасида тўп суриш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Дунёда энг оммавий спорт тури – футбол жадал ривожланган бугунги кунда тасодифан ютуққа эришиб бўлмайди. Ҳар бир ғалаба ва муваффақият замирида улкан ислохотлар, кўп йиллик машаққатли меҳнат ва интилиш мужасам. Шу маънода, мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ўзбек футболнинг ютуқларида муҳим омил бўлаверади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
Ўза шарҳловчиси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Суфён Саврийга биров ҳада келтирган эди, қабул қилмади.

– Нега қабул қилмаёсан? – деб сўраган эди, шундай жавоб берди:

– Сенинг биродаринг менинг қўлимда ҳадис ўрганмоқда. Сенинг ҳадянг туфайли унга ортиқча меҳрибонлик кўрсатиб қўйишдан кўрқаман.

Абу Ҳозимдан сўрадилар:

– Биз нимадан наҳот топаёмиз?

Жавоб қилди:

– Ҳалол йўл билан пул топиб, ҳалол ишга сарф этишдан.

Абу Ҳозим айтади:

– Менинг назаримда оқил шундай кишики, қўлига бойлик кирса, ортиқча севинмас, мол-давлатидан айрилса, беҳуда қайғурмас. Оқил киши нарса учун гам емайди: биринчидан, нарсанинг ўзи келадиган бўлса, унинг учун жон куйдиришнинг ҳожати йўқ, мабодо келмайдиган бўлса, ўзингни ўту чўққа ур – фойдаси йўқ.

Абу Ҳозим қассоб дўкони ёнидан ўтар эди.

– Яхши гўшт бор – олмайсанми? – таклиф қилди қассоб.

– Пулим йўқ-да, – деди у.

– Олавер – пулини кейин берарсан.

– Қарзга нарса олиб егандан нафсимни тийганим яхши эмасми?

Нақл қилишларича, бири – зоҳирий (дунёвий), иккинчиси – ботиний (илохий) илмларда тенгсиз бўлган Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино ва орифлар султони Шайх Абусаид Абулхайр Мехнавий бир-бирининг овозасини эшитиб Нишопур шаҳрида учрашадилар. Олим ва Шайх суҳбати уч кеча-кундуз давом этади. Шундан сўнг шогирдлари Ибн Синодан:

– Шайх ҳақидаги фикрингиз қандай? – деб сўраганларида:

– Ҳар неники мен билсам, у ҳис қилади, – деб жавоб беради.

– Аллома ҳақида фикрингиз қандай? – деб муридлари Абусаидга муурожаат қилганларида эса:

– Ҳар неники мен ҳис қилсам, у билади, – дейди.

Эргаш ОЧИЛОВ

тайёрлаган
(Давоми бор)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Олмазор тумани СИБ томонидан куйидаги мулклар куйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар, Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2011 йил 10 августдаги 1-496/11-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, "MAX PROFIT INVEST" МЧЖга тегишли бўлган А-Блок-Бизнес маркази, 2052,0 кв.м., Б-Блок-Бизнес маркази, 291,0 кв.м., В-Блок-Бизнес маркази,

100,0 кв.м. дан иборат бино ва иншоотлар куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 1 426 684 553 сўм.
2. Тошкент вилоят судининг 2011 йил 14 апрелдаги 10-1004/14167-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 20-уй манзилида жойлашган, "АТТОРЛИК" ОАЖга тегишли бўлган 15 та Блокдан яъни:

Т/р	Блоклар	Блоклар номи	Ўлчов бирлиги (кв.м.)
1	А-Блок	Маъмурий бино	906,0 кв.м.
2	Б-Блок	Насосхона	22,0 кв.м.
3	В-Блок	Ошхона	262,0 кв.м.
4	Г-Блок	Омборхона	413,0 кв.м.
5	Д-Блок	Омборхона	318,0 кв.м.
6	Е-Блок	Омборхона	5187,0 кв.м.
7	Ж-Блок	Омборхона	3101,0 кв.м.
8	И-Блок	Омборхона	522,0 кв.м.
9	К-Блок	Қоровулхона	7,0 кв.м.
10	Л-Блок	Гараж шийпон (қисми)	200,0 кв.м.
11	М-Блок	Насосхона	40,0 кв.м.
12	Н-Блок	Хаммом	20,0 кв.м.
13	О-Блок	Ҳожатхона	12,0 кв.м.
14	У-Блок	Ҳожатхона	19,0 кв.м.
15	З-Блок	Омборхона	1603,0 кв.м.

иборат бино ва иншоотлар куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 4 821 364 000 сўм.

3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 4 мартдаги 2036/10-сонли ва 037/10-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 59-уй 16-хонадон манзилида жойлашган, майдони 57,55 кв.м, 2 та яшаш хонаси ва бошқа-

лардан иборат бўлган турар жой куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 54 982 451 сўм.

4. Фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро судининг 2010 йил 29 ноябрдаги 1-9164/10-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 8-Сергели мавзеси, 18-уй, 3-хонадон манзилида жойлашган, майдони 94,56 кв.м, 4 та яшаш хонаси ва бошқа-


лардан иборат бўлган турар жой куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 45 750 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йил 2 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога куйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимнинг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамий кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001.



Касса. Тел.: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23, 244-35-09. www.sirk.uz

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 223-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2839 нусха босилади. Ҳаёт бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтанига» — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган. Нашр учун масъул Д. Исроил

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошқармачиси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32